O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 17-iyul • Shanba • 83 (31.203) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2010 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 29 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашни, ундаги таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳамда шу асосда иқтисодиёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатларини, унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш ва самарадорлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини, шу жумладан, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича дастурий чора-тадбирларни сўзсиз амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 10,3 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 10,9 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлмади.

(Давоми 3-бетда.)



Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

## ЎзХДП: ФАОЛИЯТИМИЗНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва парламентдаги партия фракциясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП сайланувчи органларининг аъзолари ва Марказий Кенгаш экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг раиси Латиф Ғуломов очиб, «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор ижтимоий вазифаларини бажариш, қонунлар ва муҳим давлат қарорларининг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган фаолияти ва бу борадаги ишларни яхшилаш чоралари тўғрисида» маъруза қилди.

Ижроқўм мажлисида Ўзбекистон ХДП фракциясининг раиси, партия Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Улуғбек Вафоевнинг «Ўзбекистон ХДП парламент фракцияси аъзолари бўлган депутатларнинг сайлов округларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ХДП партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш самарадорлигини таъминлаш, амалдаги қонунчиликни партиянинг доимий электорати ижтимоий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича ҳуқуқни қўллаш тажрибасини ўрганиш мақсадларида тизимли ишлашини ташкил қилиш тўғрисида» маърузаси тингланди.

→2

*Жиддий хатоларга йўл қўйган ҳудудий солиқ хизмати раҳбарларидан 3 нафари лавозимидан озод этилди.* →3

*Бразилияда ота-оналар фарзандларини уришини тақиқловчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилади.* →3

*Мавсум оралиғида катта ўзгаришлар Қаршининг «Насаф» жамоасида юз бериши кутилмоқда.* →4

*Юртингиз билан танишиб, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларим бутунлай ўзгарди. Ўзбекистон барқарор ривожланаётган мамлакат эканига гувоҳ бўлдим. Мустақиллик йилларида мамлакат қиёфаси, ифратузилмаси, одамлар турмуш тарзи бутунлай ўзгарган. Кўчаларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар, тўкин бозорлар, одамлар юзидаги ҳузур-ҳаловат ривожланган технологиялар асосида барча соҳаларда ўсишга эришилаётганининг яққол ифодаси, бутун дунёда эътироф этилган тараққиётнинг «ўзбек модели» самарасидир».*

**Жоржетта ДЕЗОРНЬЕ хоним (Швейцария)**

## Самарқандда 36 та корхона қайтадан иш бошлайди

Иқтисодий инқирозга қарши мамлакатимизда кўрилаётган чоралар бугунги кунда ўзини тўлақонли самарасини бермоқда Инқирозга қарши чоралар дастури бўйича Самарқанддаги мавжуд 36 та саноат корхоналарини иқтисодий соғломлаштириш режаси ишлаб чиқилган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 7 та саноат корхонасида умумий қиймати 2 млн. 420 минг АҚШ доллари миқдоридаги 11 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Шундан 1 млн. 691 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ хорижий инвесторлар томонидан, қолгани маҳаллий молиялаштириш ҳисобидан амалга оширилмоқда.

— «Нафис», «Бофанди», «Самарқанд Кимё» сингари йирик саноат корхоналарини молиялаштириш борасидаги ишлар якунланиш арафасида, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими мудири Алижон Ботиров. — Иқтисодий ночор корхоналар иқтисодий соғломлаштирилгандан сўнг ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида хорижий давлатларга экспорт қилинувчи маҳсулотлар миқдори янада ошади.

Корхоналарни қайта модернизация қилиш дастури ижроси бўйича жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 189 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, жаҳоннинг 46 давлатига 15 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**



## Ёш оилаларга эътибор

*Пойтахтимизнинг Бектемир тумани «Роҳат» маҳалла гузарида Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан тадбир ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси, туман ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этди.*

→3

**ОБ-ҲАВО 17-18.07.2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 36°C | 37°C |
| Самарқанд | 37°C | 38°C |
| Нукус | 36°C | 37°C |
| Қарши | 40°C | 41°C |
| Урганч | 36°C | 37°C |
| Навоий | 38°C | 39°C |
| Фарғона | 37°C | 38°C |
| Бухоро | 38°C | 39°C |
| Андижон | 37°C | 38°C |
| Наманган | 37°C | 38°C |
| Термиз | 41°C | 42°C |
| Жиззах | 37°C | 38°C |
| Сирдарё | 37°C | 38°C |
| Тошкент вил. | 36°C | 37°C |
| Лондон | 28°C | 27°C |
| Париж | 33°C | 32°C |
| Москва | 24°C | 23°C |
| Мадрид | 35°C | 34°C |
| Пекин | 28°C | 27°C |
| Гонконг | 34°C | 33°C |
| Рим | 34°C | 33°C |
| Анқара | 32°C | 33°C |
| Токио | 28°C | 29°C |
| Стокгольм | 24°C | 25°C |
| Кейптаун | 26°C | 27°C |
| Қоҳира | 36°C | 37°C |
| Гавана | 43°C | 44°C |
| Вашингтон | 33°C | 34°C |

## Болажонларнинг қувончли лаҳзалари



*— Шу оромгоҳда тўрт йилдан бери дам оламан, — дейди Гўзал Айтимбетова. — Турли тадбир, спорт ўйинлари мунтазам ўтказилаётгани учун таътил кунларимиз яхши ўтаяпти.*

→4

## Истиқлол берган неъматлар

Президентимизнинг 2010 йил 30 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан Сирдарё вилоятида ҳам «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган ғояни ўзида мужассам этган бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ширин шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда талаба-ёшлар, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мустақилликнинг мазмун-моҳияти, айниқса, эл-юрт тинчлиги, хотиржамлигини сақлаш, энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ховос туманидаги қўшни мамлакат билан чегарадош «Соҳибкор» қишлоқ фуқаролар йиғини Шарқобод қишлоғида бўлиб ўтган тадбир ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизга тайёргарлик кўриш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, хавфсизликни таъминлаш масалаларига бағишланди.

— Мустақиллик байрамини ҳар йили ўзгача кўтаринки руҳ билан юқори даражада нишонлаймиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Самад Бегматов. — Қишлоғимиз аҳли тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечиряпти. Байрамлар тўйларга уланмоқда. Маҳалла аҳли бир-бирига меҳрли, оқибатли. Буларнинг барчаси истиқлол берган неъматлардир.

**Д.ЭСОНОВА, ЎзА мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 13 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1401,47 | 1 Миср фунти | 281,00 | 1 СДР | 2394,52 | 10 Жанубий Корея вони | 13,37 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2405,19 | 1 Канада доллари | 1553,06 | 1 Туркия лираси | 1032,50 | 10 Япония иенаси | 179,70 |
| 1 БАА дирҳами | 435,79 | 1 Хитой юани | 236,39 | 1 Швейцария франки | 1516,85 | 1 Россия рубли | 51,97 |
| 1 АҚШ доллари | 1600,58 | 1 Малайзия ринггити | 500,65 | 1 Евро | 2016,99 | 1 Украина гривнаси | 202,46 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ЎзХДП: ФАОЛИЯТИМИЗНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Мажлис қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисида қилган маърузасида бу масалаларга асосий эътибор берилганлигини қайд этдилар. Сиёсий партияларнинг ишида ташаббускорликни янада ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш ҳамда партия депутатлик бирлашмаларининг қонунлар ва давлатнинг муҳим қарорлари ижроси устидан таъсирли назоратини ўрнатиши мамлакатимизда шаклланаётган замонавий парламент демократияси институтлари тўлақонли фаолият юритишини таъминлаши билан муҳим аҳамиятга эга.



Шу муносабат билан мажлисдаги муҳокамалар ягона мақсадга — Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг сайловлар чоғида партия ўз электорати олдида зиммасига олган мажбуриятларни бажариш йўлидаги иш самарадорлигини оширишга қаратилди.

*Мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистон ХДП депутатлик бирлашмалари ва партия маҳаллий ташкилотлари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қўйилган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш учун зарур бўлган барча ташкилий асосларга эгадир. Чунки партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам, халқ депутатлари барча маҳаллий Кенгашларида ҳам ўз депутатларига эга. Улар ХДПнинг сиёсий фаол вакиллари сифатида партия электорати ижтимоий манфаатларидан келиб чиқадиган дастурий мақсадларни амалга ошириш учун ўз улушларини қўшишга қодирдирлар.*

Маълумки, партиянинг маҳаллий кенгашларидаги пленумларида бу вазифалар кенг муҳокама этилиб, истиқболга мўлжалланган амалий ҳаракат дастурлари қабул қилинган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари тегишли ҳудудлардаги аниқ ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал этишга қаратилган дастурларни белгилаб олганлар. Жиззах, Наманган, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоят маҳаллий партия ташкилотларининг кўпчилигида қабул қилинган дастурлар шу ҳудудларда яшовчи партия электоратининг манфаатларини ҳисобга олиб тузилган. Масалан, Жиззах вилоятининг Арнасой, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Хоразм вилоятининг Гурлан туман кенгашларидаги партия гуруҳларининг асосий эътибори касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш учун янги иш ўринлари яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва муҳокамага киритишга қаратилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ва Навоий вилоятининг Конимех туман партия кенгашлари ҳаракат дастурларида ижтимоий-сиёсий масалалар билан бир қаторда депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш доирасида аҳоли бандлигини ўрганиш ва буни муҳокамага киритиш белгиланган.

Бу вазифалар қаторида ХДПнинг маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари учун қўшимча иш ўринлари барпо қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларига коммунал хизмат кўрсатиш, маҳаллий қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишловчи кичик ва хусусий корхоналар тармоғини ривожлантириш, кўп болали оилалардаги аёлларнинг касаначилик асосидаги бандлигини таъминлаш сингари масалалар кўзда тутилган.

Мажлисда ХДП депутатлик бирлашмалари у ёки бу масалаларни маҳаллий Кенгашларнинг сессиялари ва доимий комиссиялари муҳокамасига қўяётганликлари тўғрисида мисоллар келтирилди. Партиямизнинг депутатлик бирлашмалари томонидан қонунлар ва муҳим давлат қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳаракат дастурларида жамоатчилик назорати тадбирларининг аниқ муддатлари, амалий чоралар белгилаб олинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси партия депутатлик бирлашмаларининг жойлардаги ишларини янада ривожлантириш имконини бермоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи ишида сайловдан кейин ташаббускорлик сезиларли яхшиланди. Хусусан, шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатларнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ҳудудий коммунал-эксплуатация бирлашмаси иши тўғрисидаги масала навбатдаги сессия муҳокамасига киритилмоқда. Бу ерда гап турар-жой фондидан фойдаланиш ва кўп хонадонли уйларда яшовчи аҳолига коммунал хизмат сифатини яхшилаш устида бормоқда. Депутатлик гуруҳи диққат марказида шаҳарни иссиқлик билан таъминлашни ривожлантириш бош схемаси устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, партиянинг пойтахтда яшовчи электорати ижтимоий манфаатларига мос келувчи бошқа вазифалар қўйилмоқда.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг фаолияти ҳам ижобий жиҳатдан қайд этилди. Жорий йилнинг бошида депутатлик гуруҳи вилоят аҳолисини электр энергияси билан таъминлашнинг аҳволи тўғрисидаги масалани кўтарди. Бу масала ўтган чақириқ даврида шу партия гуруҳининг ташаббусига кўра вилоят Кенгаши қабул қилган қарор ижросини назорат қилиш тартибида тайёрланди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан қувватланган бу ташаббус аҳолини электр билан таъминлаш сифатини ошириш ҳамда электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилашга хизмат қилади.

Хонқа туман Кенгашидаги партия гуруҳи ички истеъмол бозорини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлашнинг ҳудудий дастурини бажариш масаласини ўрганиб чиқди. Таҳлиллар якунига кўра, кундалик истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит бериш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлади. Партия гуруҳи томонидан туман истеъмол бозори аҳволини ўрганиш чоғида туманда болалар пойабзалига эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Ҳозирги вақтда партия гуруҳи туман кенгаши доимий комиссиялари ва сессиясида кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар тайёрлаш устида ишламоқда.

*Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларида электоратимиз манфаатларига жавоб берадиган вазифалар устида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.*

Шулар билан бир қаторда айрим ХДП депутатлик бирлашмалари Парламентнинг қўшма мажлисида белгиланган устувор вазифаларни бажариш борасида ҳамон депсинмоқдалар. Андижон, Самарқанд, Сирдарё ва айрим бошқа вилоятлардаги ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари номига танқидий фикрлар айтилди. Мавжуд камчиликларга танқидий баҳо бериш билан бир қаторда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратдилар. Маъруза ва нутқларда таъкидландики, биринчидан, партия электорати ижтимоий манфаатлардан келиб чиқиб, фракция аъзолари қонун ижодкорлиги ташаббусини кескин оширишга эришишлари зарур. Фракция аъзоларининг сиёсий ва касбий савияси уларга Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун чуқур ўйланган, партиямиз мақсад вазифаларини ифода этувчи дастурлар, жумладан, муқобил ва рақобатбардош лойиҳаларни тайёрлаш ва муҳокамага киритишларига имкон бериши таъкидлаб ўтилди. Айни чоғда, бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан самарали рақобат бўлишини таъминлаш керак.

*Айни чоғда, фракция аъзолари қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик ҳокимиятининг назорат ваколатларини амалга оширувчи механизмлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишлари зарур.*

Йиғилишда фракция аъзоларининг шу йил июнь ойида ўз сайлов округларида ўтказган фаолиятлари таҳлил этилди. Бу ишни партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш лозим.



Мажлис қатнашчилари қайд этдиларки, бу вазифалар фракция аъзолари томонидан вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозим. Бунда Ўзбекистон ХДП парламент фракцияси аъзолари бир томондан ўз ишларида маҳаллий депутатлик бирлашмалари, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолларига суянадилар. Бу — жойларда қонунлар бажарилиши ҳолатини, шунингдек, партия электоратининг манфаат ва эҳтиёжларини ўрганишга кўмаклашади.

Иккинчи томондан, ХДПнинг маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларининг тажрибаси, қўллаб-қувватлашига таянадилар. Бу эса ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал этишда уларнинг таъсири ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия парламент фракцияси қўшма йиғилиши доирасида «Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик бирлашмалари ва ХДП маҳаллий кенгашлари аъзоларининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаши самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида» семинар ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаева, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири Сафар Остонов ва бошқа қатнашчиларнинг маъруза ва ахборотларида Парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари партиянинг устувор дастурларини амалий бажарилиши бўйича ишларни яхшилаш учун оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликнинг аҳамиятига алоҳида эътибор берилди.

Айнан парламент фракцияси ва депутатлик бирлашмаларининг амалий ва натижали фаолияти жойларда партия электорати, жамоатчилик кўз ўнгида партия ижобий обрўсини яратувчи энг яхши тарғибот омилига айланади.

*Айни пайтда қайси қонунлар ва давлат қарорлари парламент даражасида ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий ваколатли органларида қабул қилинишини билиш жамиятимиз учун унча қизиқарли эмас. Балки электорат, жамиятнинг кенг қатламлари у ёки бу масалани муҳокама қилишда партиямиз қайси позицияда эканлигини тасаввур қилишлари муҳим. Бошқа сиёсий партиялар нуқтаи назаридан бизнинг партия нуқтаи назари нимаси билан фарқ қилади? Муайян масалаларда партиялараро мунозара қандай олиб борилди, охир-оқибат кимнинг нуқтаи назари ғалаба қилди? Сайловчи шуни билишни истайди.*

Шундай экан, партиядан сайланган депутатлар ва ХДП маҳаллий ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги партиянинг ўз электорати билан доимий мулоқотида муҳим боғловчилик ролини ўйнайди. Бу мулоқотнинг муваффақияти партиянинг депутатлик корпуси ва матбуот ўртасидаги ўзаро тенг шериклик муносабатларига боғлиқдир.

Семинар чоғида ЎзХДП фракцияси депутатларига ОАВ билан ишлашнинг самарали механизмларини, усул ва услубларини топишда қандай мажбуриятлар қўйилишини яққол тасаввур қилиш имконияти берилди. Телевидение ва радиога интервью уюштириш ва уни ўтказиш, босма ОАВ учун материаллар тайёрлаш бўйича машқлар ўтказилди, ОАВ билан самарали ҳамкорлик юзасидан бошқа услубий ва амалий тавсиялар берилди.

Амалий фикрлашув негизида ўтган қўшма мажлис якунида партия Марказий Кенгаши Ижроқўми ва парламент фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Матбуот хизмати.**



В.Гончаренко олган суратлар.

***Айнан парламент фракцияси ва депутатлик бирлашмаларининг амалий ишлари партия электорати, жамоатчилик ўртасида партия обрўсини оширувчи энг яхши тарғибот омили ҳисобланади.***

## Сўз қўшма мажлис иштирокчиларига



**Дилбар ХОЛИҚОВА,**

***Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси***

— Бўлиб ўтган ижроқўм йиғилишида унинг иштирокчилари электорат билан ишлашнинг оралиқ якунларига баҳо бериб, келгуси ҳаракатлар бўйича аниқ дастурларни муҳокама қилдилар. Мен халқ депутатлари Чорток тумани Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари билан биргаликда жойларда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ижросини ўрганиб чиқдим. Партия доимий электоратининг ижтимоий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонуннинг айрим жиҳатларини такомиллаштириш эҳтиёжи мавжудлиги аниқланди.

Мазкур Қонуннинг 12-моддасига кўра, фуқаролар йиғини кенгашининг коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан биргаликда коммунал хизмат учун тўловларни тўла ва ўз вақтида ўтказишни уюштириши ва назорат қилиши белгиланган. Бу ёрдам учун ўзини ўзи бошқариш органига ўтказилган маблағларни йиғин кенгаши кам таъминланган оилаларга ёрдам, ободончилик, ходимларни рағбатлантириш каби ишларга сарфламоғи лозим. Амалда эса маҳалла қўмиталари Қонун меъёрлари талабига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажарсалар-да, бу хизмат учун тегишли маблағни ололмайдилар ёки кам оладилар. Демак, амалдаги қонунчиликка коммунал ташкилотлар ва уларнинг раҳбарларига нисбатан бу масалада маҳалла олдидаги мажбуриятлари белгилаб қўйилиши лозим.



**Маҳаммаджон ЙЎЛДОШЕВ,**

***ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:***

— Ижроия ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришнинг муваффақиятли ечими бу ишда ОАВ ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокига боғлиқ. Бу ишни самарали йўлга қўйиш учун депутатларимиз электоратнинг кенг қатламларига партиянинг мақсад ва вазифалари моҳиятини етказиш учун ҳаракат қилмоқлари лозим. Бугунги кунда, жамоатчилик ва ОАВ билан ишлашда янги сиёсий технологиялардан фаолроқ фойдаланишимиз керак. Биз ОАВ билан мулоқот учун очиқмиз, чунки бу электоратимиз олдида амалга оширилаётган дастурлар мазмунини тушунтириб бериши учун қўл келади. Шу муносабат билан Ижроқўм доирасида ташкил этилган мазкур семинар депутатлик ишларимизга катта ёрдам беради.



**Райимберган САБУРОВ,**

***ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг раҳбари***

— Бугунги форум сайлов округларидаги депутатлик ваколатларимиздан самарали фойдаланишда нималарга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозимлигини кўрсатди. Қабул қилинган қонунларнинг қандай ишлаётгани, қайси қонунларда хўжалик қурилиши амалиёти бўйича кемтиклар борлиги, сайловчиларнинг муаммолари ва уларни бартараф этиш учун нималар қилиш зарурлигини тушунтириб берди. Бу йўналишда ҳам жамоатчилик билан яқиндан алоқа катта аҳамиятга эга.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, маҳаллий партия ташкилотлари билан бирга электорат эҳтиёжларини ўрганамиз. Бу ижтимоий-сиёсий фаолликни кучайтиришга, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга кўмаклашади. Ижтимоий ҳаёт қирраларини тўғри баҳоласак, ўз электоратимизга партия сиёсатини чуқурроқ тушунтиришга эришамиз. Бунда замонавий имкониятлардан, электрон ва босма ОАВдан фаолроқ фойдаланмоғимиз лозим. Бу ишда бизга бугунги семинар катта наф беради.



**Олим РАВШАНОВ,**

***ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши партия гуруҳининг раҳбари***

— Ўз сайлов округларимизда биз аҳолини ўйлантираётган масалаларни тизимли асосда ўрганамиз, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини мақбуллаштириш учун янги қонунлар қабул қилинишига бўлган эҳтиёжларни аниқлаймиз. Партиямиз бошланғич ташкилотларгача бўлган даражаларда мақсадли дастурларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон ХДП сиёсий платформасининг бошқа сиёсий партияларникидан афзалликларини тушунтирмоқ биринчи галдаги масаладир. Биз турли социал гуруҳларнинг ЎзХДП тўғрисидаги ижтимоий фикрини ўрганмоқдамиз. Партиялараро рақобат объекти бўлган гуруҳларни аниқлашда бу ишнинг аҳамияти катта.



**Рўзибек ТЎРАЕВ,**

***ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари:***

— Тошкент шаҳар кенгашига ЎзХДПдан сайланган 18 нафар халқ депутати шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялар фаолиятида иштирок этмоқда. Шу билан бирга улар ўз ваколатлари доирасида депутатлик назоратини олиб бормоқдалар.

Бироқ шуни қайд этиш керакки, депутатларимиз ўзларига берилган имкониятлардан ҳар доим ҳам тўла фойдаланмайдилар. Бу нарса, айниқса, фракция аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўзаро ҳаракатларида кўзга ташланади. Шунга кўра биз электорат манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ушбу ўзаро алоқани кучайтириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу ишда, айниқса, жойлардаги партия ташкилотларининг роли муҳимдир. Чунки улар депутатлар ва партия электорати ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади.

Бугунги семинарнинг мақсади барча даражадаги депутатлар фаолиятини фаоллаштириш, айниқса, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини қабул қилиш жараёнига йўналтирилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги сотиш бозорларига фаол кириб бориш ҳисобига экспорт ҳажмининг 14,3 фоизга ўсиши таъминланганлиги ҳамда ташқи савдо айланмасининг сезиларли миқдордаги ижобий сальдосига эришилганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳисобот даврида жаҳоннинг 139 мамлакатига, шу жумладан, 26 янги мамлакатга товарлар ва хизматлар экспорт қилинди.

Ушбу масала бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари олдига экспорт маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)нинг турларини янада кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, сотишнинг анъанавий йўналишларида мавқени мустаҳкамлаш ва янги хорижий бозорларни ўзлаштириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини барқарор кредитлаш учун кредит ресурсларининг узоқ муддатли манбаларини жалб этиш, банкларнинг капиталлашувини ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кенгайтириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг бажарилиши батафсил кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли омонатлари ҳажми йил бошидагига нисбатан 41,8 фоизга ўсди, банкларнинг ресурс базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, бу эса кредит қўйилмалари 30,3 фоизга ўсишини таъминлаш имконини берди. Ҳисобот даврида ўзлаштирилган инвестиция кредитлари ҳажми 2,3 баравар кўпайди.

Тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботларида банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, айниқса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи корхоналарни, шу жумладан, банкларнинг балансларига берилган банкрот корхоналар негизидаги лойиҳаларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилиши, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилиши батафсил кўриб чиқилди.

Қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган 223 та ер массивида намунавий лойиҳалар бўйича 6800 та уй қурилиши амалга оширилиб, уларнинг 2010 йил учинчи чоракда фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда, янги қишлоқ тураржой массивларига туташ 213,9 км. узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини қуриш тугалланди. Ҳисобот даврида қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 та янги корхона, шу жумладан, 25 та ғишт ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2011 йилда қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни қуриш ва таъмирлаш дастурини бажариш доирасида, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш объектларида 190,6 млрд. сўм ёки 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ ўзлаштирилди, йўлбўйи инфратузилмаси ва сервис объектлари қурилмоқда ва фойдаланишга топширилмоқда. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Навоий шаҳрининг халқаро аэропорти орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажми 22 фоизга ўсди, «Ангрен» логистика маркази ўз фаолиятини бошлади.

Мажлиснинг кун тартиби доирасида нақд пул айланишини янада такомиллаштириш, нақд пул тушумини банк кассаларига тўлиқ тушишини таъминлаш ва пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш доирасида чиқарилган пластик карточкалар ва ўрнатилган терминаллар сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 38,7 фоизга ва 66,5 фоизга ошди, шунга мувофиқ пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2,7 баравар кўпайди.

Мажлис иштирокчилари томонидан нақд пулсиз муомалани кенгайтириш ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши сабабларини бартараф этишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг барқарор ишлашини, молиявий мустаҳкамлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш дастурларини сўзсиз бажариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши 7,1 трлн. сўм миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштиришни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 1,3 баравар кўп ўзлаштиришни таъминлаганлиги қайд этилди. Ишлаб чиқаришни техник модернизациялаш бўйича 108 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, шунингдек, 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш давомида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашга доир дастурий чора-тадбирлар бажарилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди.

Тармоқларнинг рақобатбардошлиги даражасини янада ошириш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига иқтисодиёт тармоқларида энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишини, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қабул қилишни таъминлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларининг натижадорлигини муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 509 мингтадан ортиқ иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш таъминланганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари олдига, биринчи навбатда, ташкил этилаётган иш ўринлари сонини кўпайтириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойлардаги битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳисобига аҳоли бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**

## Хорижда

## Уриш мумкин эмас

**буни қонун тақиқлайди**

Бразилия президенти Луис Инасиу Лула да Силва янги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун мамлакат парламентига жўнатди. Мазкур қонун лойиҳаси ота-оналарнинг ўз фарзандларини уришларини қатъиян тақиқлайди.



Аммо шуни таъкидлаш лозимки, лойиҳа муҳокама учун эълон қилинган заҳоти унга қарши фикр билдирувчилар ҳам кўпчилик эканлиги маълум бўлди. Улар болаларни қилган айби учун жазо тариқасида уриб тарбияламаса, улардан безорилар етишиб чиқмайдими, деган хавф кўнгилларига тинчлик бермаётганини очиқ айтишмоқда.

Бироқ президент фарзандларни жисмоний куч ишлатиб тарбиялашга қарши эканлигини қатъий таъкидлади. «Агар уриб тарбиялашимиз натижа берганида эди коррупция бунчалик илдиз отмаган бўларди» дея киноя қилди.

«Новости» АА хабарига қараганда, ушбу қонун лойиҳаси мамлакат миллий конгресси (парламенти)нинг иккала палатаси томонидан қўллаб-қувватланса, шундан сўнг қабул қилинади.

## Чекмагани учун

**маошга қўшимча**

Мурманск вилоятининг Кандалакш марказий шифохонаси туман маъмурияти билан келишган ҳолда иш пайтида сигарета чекишдан воз кечган шифохона ходимлари маошларига қўшимча 900 рублдан мукофот пули жорий этди.



«Regnum» АА хабарига кўра, бу мукофот пули 1 июлдан 30 сентябргача давом этадиган «Саломатлик» миллий лойиҳаси доирасида таъсис этилди.

Хитойда эса Соғлиқни сақлаш ва Маориф вазирликлари томонидан барча ўқув муассасаларида сигарета чекиш қатъий тақиқланди. Ўқувчилар ёки талабалар у ёқда турсин, ҳатто ўқитувчи ва бошқа ходимлар мактабда, боғчада, коллежда, олий ўқув юртларида ва уларнинг атрофларида чекиши мумкин эмас. Олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун алоҳида хоналар ташкил этилдики, уларнинг фақат ўша хоналарда чекишига рухсат берилади. Бундай хоналар талабалар кўзидан анча йироқда.

Дарвоқе, «Xinhua» АА хабар беришича, ўқув муассасалари атрофларида сигарета савдоси ва реклама ёрлиқларини осиш ҳам тақиқланди.

Хитой профилактика тиббиёти ассоциацияси маълумотларида қайд этилишича, мамлакатда ўрта ҳисобда 350 миллионга яқин чекувчи бор. Айнан кашандалик орқасидан келиб чиқадиган касалликлардан бир йилда миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юммоқда.

**«POYTAXT AUKSION» ДУК**

ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «O'ZDIPTRANSXIZMAT» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги д/р 10 AS 704 бўлган «Опель-Вектра» русумли автотранспорт воситаси 4 200 000 сўмга; «UNICON.UZ –FAN-TEXNIKA VA MARKETING TADQIQOTLARI MARKAZI» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги д/р 01185GAA бўлган «Магнус» русумли автотранспорт воситаси 21 500 000 сўмга; д/р 01/930 QAA бўлган «Опель Омега 3.2» русумли автотранспорт воситаси 18 600 000 сўмга; д/р 01/128 YAA бўлган «Опель Омега 2.6» русумли автотранспорт воситаси 17 600 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 260-ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Абидов Баҳодир Фозилжонович номига берилган № 1494038 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Ахборот технологиялари коллежи томонидан 2009 йилда Баратов Бобур Нормамат ўғли номига берилган № 0077325 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Мадад» суғурта агентлиги жамоаси котиб-референт Натила Усмоноvага падари бузруквори

**Эҳсон ОРИПОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Ёш оилаларга эътибор



*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Жорий йилда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тамомлаган битирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш орқали янгидан янги даромад манбаларини шакллантириш муҳим масала эканлиги тадбирнинг асосий мақсади бўлди.

— Ёш оилаларга иқтисодий-ижтимоий муаммоларини бартараф этишда амалий ёрдам бериш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш биздан алоҳида ёндашувни талаб этади дейди, — Бектемир туман ҳокими ўринбосари Зиёда Тохирова. — Айниқса, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш, моддий ёрдам бериш жуда муҳим.

Шунингдек, сўзга чиққанлар ёш оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш, ажралишларнинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла, Маънавият тарғибот маркази, «Оила» маркази ҳамда ФҲДЁнинг ролини ошириш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлашди.

**Шоҳрух МАНСУРОВ**

**Вниманию организаций и предприятий!**

***Управление Хорезмского областного судебного департамента***

**ОБЪЯВЛЯЕТ ОТКРЫТЫЙ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

***на выполнение строительного контракта по проекту:***

| № п.н. | Наименование объектов | Старт.ст-ть заказчика (тыс.сум) без НДС | Старт.ст-ть заказчика (тыс.сум) с НДС | Срок заверше-ния стр-во к.дн. |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Капитальный ремонт здания Управления судебного департамента в г.Ургенче Хорезмской области | 235250,567 | 282300,68 | 90 |

**Заказчик** — Управление Хорезмского областного судебного департамента расположенный по адресу —
***г.Ургенч ул. И.Досов, 2.***

*Финансирование осуществляется за счет собственных средств заказчика.*

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладат опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций, при оценке конкурсных предложений предусматривается следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков; при проведений оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Если деятельность связанная с выполненным работ (услуг), подлежит лицензированию, то к участию в конкурсных торгах допускаются претенденты, обладающие соответствующей лицензией, выданной в установленном порядке или имеющие гарантийное письмо субподрядчика, обладающего лицензией на выполнение вышеуказанных работ (услуг).

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — в консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Хорезмской области, расположенному по адресу:
***г.Ургенч, ул. П.Махмуда, 10.*** Тел.: ***226-92-25.***

***Стоимость одного комплекта документов 60000 сумов.***

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу. Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления по адресу:
***г.Ургенч, ул. П.Махмуда, 10.*** Тел.: ***226-92-25.***

## *Натижалар ва сабоқлар*

### Солиқ тизимида

Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий давлат солиқ бошқармаларининг нақд пул тушуми топшириқлари бажарилиши учун масъул тузилмалари, Бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳудудий бўлимлари ҳамда барча туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари иштирок этди.

Унда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан белгиланган прогноз кўрсаткичларининг иккинчи чоракда бажарилишига асосий эътибор қаратилди. Йиғилишда Давлат бюджети даромадлари — 100,7 фоизга, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси — 100,7 фоизга, Республика йўл жамғармаси — 100,6 фоизга ва Мактаб таълими жамғармаси — 100,3 фоизга таъминланганни қайд этилди.

Шу билан бирга, кўрсаткичлар ижросини таъминлашда Наманган, Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид қилинди.

Ҳайъат йиғилишида пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга оид қарорлар ижроси, солиқ тўлашдан қочиш ҳолатларини бартараф этиш, олдини олиш ва хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш борасида амалга оширилаётган назорат натижалари кўриб чиқилди, жумладан, Навоий, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида бу борадаги ишлар етарли даражада эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ участка солиқ инспекторлари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, уларнинг билим ва малакасини ошириш масаласи юзасидан Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган тадбирлар натижаси муҳокама қилинди ва аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир аниқ кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, йиғилишда Давлат солиқ хизмати органларида ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари олдини олиш борасида йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан ўтказилган муҳокама якунига кўра, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйган ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбар ходимларидан 3 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 61 нафарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилишда иккинчи ярим йиллик кўрсаткичлари ижросини сўзсиз таъминлашга доир вазифалар белгиланиб, Ҳайъатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**ДСҚ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

